

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚОЗОҒИСТОНГА РАСМИЙ ТАШРИФИ БОШЛАНДИ

ОСТАНА, 24 ноябрь. ЎЗА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг таклифига биноан 24 ноябрь куни расмий ташриф билан Остана шаҳрига келди.

Шу куннинг ўзида икки давлат раҳбарларининг учрашуви бўлди. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришнинг муҳим масалалари, Марказий Осиё ва унинг атрофидаги вазият, шунингдек, томонларни қизиқтирган долзарб халқаро муаммолар муҳокама қилинди.

Мамлакатларимиз олий даражадаги ушбу мулоқотга Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни янада ривожлантириш, ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларини белгилаб олишнинг муҳим омили сифатида қарамоқда.

Ташрифнинг асосий воқеалари 25 ноябрга мўлжалланган. Президентлар тор доирада ва икки мамлакат делегациялари иштирокида музокаралар ўтказилади.

Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги ҳамкорлик ривожини нафақат музокаралар, балки бутун Марказий Осиёнинг барқарорлиги ва фаровонлигига хизмат қилиши билан ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Мустаҳкам шартномавий-ҳуқуқий ҳужжатлар мажмуи ўзаро ҳамкорликнинг барча соҳаларини қамраб олган. 1998 йилда имзоланган Абдий дўстлик тўғрисидаги шартнома, 2013 йилда имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома унинг асосини ташкил этади.



КОНСТИТУЦИЯ — ЁШЛАР НИГОҲИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма икки йиллиги муносабати билан "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати" мавзусидаги тарғибот ойлари ўтказилмоқда. Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида ушбу ойлик доирасида "Ватан келажаги сенинг қўлида!" ва "Мен сайловга тайёрман!" ширлари остида расмлар танлови ташкил этилди.

Унда Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомчилик ва дизайн институти, Республика рассомчилик коллежи, Республика ихтисослаштирилган санъат мактаби ҳамда бошқа таълим муассасаларидан 400 нафарга яқин иқтидорли

ўқувчи-ёшлар иштирок этмоқда.

Танловда намоёиш этилаётган ижодий ишларда жорий йилнинг декабрь ойида бўлиб ўтаётган сайловлар, муҳим сиёсий тадбирлар илк бора қатнашадиган ёшлар, уларнинг орзу ва интилиш-

ларини рўёбга чиқарувчи муносиб номзод қиёфалари, "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — мамлакат тараққиётининг ҳуқуқий кафолати", "Бугун ўқувчи — эртага сайловчи" каби мавзулар қамраб олинган.

Ижодий ишлар 28 ноябрь куни бўлиб ўтаётган расмлар кўргазмасида малакали мутахассислардан иборат хайъат томонидан кўриб чиқиб, баҳоланади. Энг сара ижод намуналарининг муаллифлари диплом ва эсдалик совғалари билан рағбатлантирилади.

Наргиза ХУСАНОВА,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Шу йилнинг 26-28 ноябрь кунлари "Ўзэкспомарказ"да "Ўзагроэкспо - 2014" ҳамда "Ўзозик-овқатэкспо - 2014" халқаро кўргазмалари бўлиб ўтади. Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида ушбу тадбир олдидан матбуот анжумани ташкил этилди.

ЭЛ ФАРОВОНЛИГИ УЧУН ҲАМКОРЛИК

Мақсуд тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермерлари кенгаши, Савдо-саноат палатаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар, Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси ва "IEG Uzbekistan" халқаро кўргазмалар компанияси ҳамкорлигида ташкил этилмоқда. Унда таъкидланганидек, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида иқтисодий тараққиётнинг муҳим соҳаси — қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариши янада ривожлантириш ҳамда соҳага янги, замонавий техника ва технологияларни жорий этиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 31 октябрдаги "2012-2015 йилларда республика озиқ-овқат саноатини бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Унинг бор ўтказилаётган мақсуд кўргазмалар ушбу жараёнларда муҳим аҳамият касб этмоқда. Жорий йилги кўргазмаларда ҳам кўплаб хорижий компаниялар вакиллари иштирок этиш истагини билдиришган. Улар кўргазмага замонавий техника ва технологиялари билан ташриф буюрмоқда. Бундан ташқари, кўргазмаларда юртимизда ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари ва қишлоқ ҳўжалик соҳасида эришилаётган ютуқларимиз ҳам кенг намоёиш этилади.

Ўз ишини эртадан давом эттираётган кўргазма иштирокчиларга замонавий технологиялар билан танишиш, уларни танлаш ва сотиб олиш имкониятини беради.

Сўхроб ЗИЁДУЛЛАЕВ

○ Инсонпарварлик

ОИЛАЛАРИГА ҚУВОНЧ БАҒИШЛАБ...

Мамлакатимизда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлардан қўзланган мақсад инсон манфаатларини таъминлашдир. Бу давлатимизнинг Бош Қонуни — Конституция ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам эътироф этилган.

Айтиш керакки, мамлакатимизда БМТ Низомида ўз аксини топган халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойиллари, хусусан, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилишга қатъий амал қилинмоқда. Амнистия актининг билиб-билмай, биринчи марта жиноят содир этган шахсларга, аввало, аёлларга, кексаларга, ногиронларга ва воёга етмаганларга, хорижий давлатларнинг фуқароларига нисбатан қўлланилаётгани бунга бир мисол бўла олади.

Амнистия акти давлат раҳбари тақдимномасига мувофиқ, қонун чиқарув-

чи орган томонидан қабул қилинадиган ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, мазмунан давлатнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноят содир этган муайян тоифадаги шахсларга нисбатан жазо чораларини қўлламаган ҳолда, улар учун имконият беришга қаратилган инсонпарварлик сиёсатидир.

Бинобарин, ҳар йили Конституция-мизнинг 93-моддаси 23-банди ва 80-моддасининг 10-банди нормаларига биноан қабул қилинаётган амнистия акти асосида жазодан озод қилиш, маҳкумларни озодликка чиқариш ва оиласи

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА НАФАҚАЛАР МИҚДОРINI ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада мутғаллиб охириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2014 йилнинг 15 декабридан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ҳамда нафақалар миқдори ўрта ҳисобда 1,1 баравар оширилсин.

2. 2014 йилнинг 15 декабридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам: иш ҳақи — ойига 118 400 сўм; ёшга доир пенсиялар — ойига 231 575 сўм; болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 231 575 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 142 100 сўм миқдоридан белгилансин.

3. Белгилан кўйилсинки, иш ҳақи ҳамда пенсияларга қўшилган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2014 йилнинг 15 декабридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ сарф-харajatлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридagi бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

Ҳўжалик ҳисобидagi корхона ва ташкилотлар 2014 йилнинг 15 декабридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 31 июлдаги ПФ-4639-сонли Фармони (6-банди истисно қилинган ҳолда) 2014 йилнинг 15 декабридан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Тошкент шаҳри,
2014 йил 21 ноябрь

И.КАРИМОВ



Опера ижрочиларининг халқаро танлови

ТОШКЕНТДА «COMPETIZIONE DELL'OPERA» ОПЕРА ИЖРОЧИЛАРИНИНГ XIV ХАЛҚАРО ТАНЛОВИ БОШЛАНДИ

Ушбу йирик танлов жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари опера хонандаларига италян операсини ижро этиш бўйича ўз қобилиятини намоёиш қилиш имконини бермоқда. Жо-

рий йилда мазкур танлов Ўзбекистонда илк бор ўтказилмоқда. Бу мамлакатимизда санъат намоёндалари, уларнинг юксак ижод чўққиларини забт этишини рағбатлантириш учун

барча зарур шароит яратилганини яна бир халқаро эътирофидир.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан Австриядagi

«Competizione dell'Opera» халқаро танлови ассоциацияси, «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театри билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда танловнинг Осиё, Европа, Австралия, Африка ва Жанубий Америкада ўтказилган саралаш босқичларида муваффақиятли қатнашган ёш опера ижрочилари иштирок этмоқда.

Танлов доирасида В.Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусика академик лицейида мамлакатимиз вакиллари эшитиб кўриш бўйича саралаш босқичи бўлиб ўтди.

(Давоми 2-саҳифада)



Ганс-Йоахим ФРАЙ,
"Competizione dell'Opera"
халқаро танлови бадий раҳбари
ва директори, профессор (Германия):

Эътироф

— Халқаро танлов юксак савияда ташкил этилганини алоҳида таъкидламоқчиман. Бу Президент Ислам Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда санъатни ривожлантиришга, халқаро дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилаётган алоҳида эътибор ифодасидир.

Ўзбекистонда аввал ҳам бўлганман. Тошкентга келиб, мамлакатимиз тараққиёти янада юксалганини ҳис қилдим. Кўча ва хиёбонларнинг ободлиги, янги ва кўркем бинолар, шаҳарнинг тунги чиройи кишига ўзгача кайфият бағишлайди. Бу санъат аҳлига илҳом бахш этади.

2012 йили Беларусь Республикасининг пойтахти Минск шаҳрида ўтказилган "Competizione dell'Opera" танловидa мамлакатингиз вакили Раҳим Мирзақамолов биринчи ўринни, 2013 йили Австриянинг Линц шаҳрида ўтказилган ушбу танловда Рамиз Усмонов иккинчи ўринни қўлга киритганди. Мамлакатингизда бундай иқтидорли ёшлар кўп эканига ҳавас қилса арзийди.

(Давоми 2-саҳифада)

Қашқадарё Вилояти

Бешбулок бағридаги ГИГАНТ КОРХОНА

Кафтдек текис, кенг ва равон йўл тўппа-тўғри Бешбулок кишлоғининг ўртасида жойлашган Деҳқонobod калий-ли ўғитлар заводида олиб боради. Бундан бир неча йил олдин экилган мева ва манзарали дарахлар ҳозир буй кўрсатиб қолган. Кимёгарлар масканига яқинлашишингиз билан истиклолимиз неъматининг куч-қудратига гувоҳ бўласиз. Кишлоқларимиздан бирида шундай гигант корхонанинг барпо этилгани, унда олий ва ўрта махсус ўқув юртлирини тамомлаган иқтидорли ёшларимизнинг меҳнат қилишаётганлигининг ўзи қувонарли ҳол.



Президентимизнинг 2007 йил 17 декабрдаги "Деҳқонobod калийли ўғитлар заводи қурилишини жаддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда 2011 йил 17 ноябрдаги "Деҳқонobod калийли ўғитлар заводи ишлаб чиқариш қувватини кенгайтириш (2-босқич) тўғрисида"ги қарорларига мувофиқ, ҳозиргача ушбу корхонада катта ишлар амалга оширилди. Бу эса эндиликда мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини янада юксалтиришга хизмат қилаётир.

ли ўғитлар заводи директори Х.Шерматов. – Корхонаимизнинг ишлаб чиқариш қуввати йилдан-йилга ошмоқда. Айни пайтда бу ерда 1800 нафардан ортиқ ишчи-хотим меҳнат қилапти. Келгуси йилда корхонаимизда яна янги иш ўринлари яратилади. Касб-хунар коллежларини тамомлаган ёшлар ишга олинади.

"Меҳнат шухрати" ордени соҳиби Ботирали Эрматов. – Корхонаимизда ишчи-хотимларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг унумли меҳнат қилишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Худудда 210 та намунавий турар-жай биноларнинг фойдаланишга топширилиши, айниқса, ёш оилалар учун катта қулайлик яратди.

Юсуфов. – Ойлалиман. Корхона маъмурияти, бошланғич касабаси уюшма ташкилоти томонидан тўрт хонали барча қулайликларга эга намунавий ўйинг қалитини олиш арафасидан. Бундай гамхўрликларни давлатимизнинг биз ёшларга қаратилган юксак эътибори деб биламан.

ўғит ишлаб чиқариш кадоқлаш машинаси оператори Анара Пулатова. – Дастлаб касбимни ўзлаштириш осон кечмади. Бу борада "Устоз-шогирд" анъанаси кўл келди. Эндиликда барча жараёнларни ўзлаштирадим. Шу йилдан эътиборан доимий ишчи бўлиб ишляяман.

Хусан ТЕМИРОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.
Акмал АЗИМОВ олган суратлар.

ОИЛАЛАРИГА ҚУВОНЧ БАҒИШЛАБ...

(Боши 1-саҳифада)
Шу ўринда ушбу инсонпарварлик ва бағрикенглик сиёсати ҳаётда жиноят кўчасига кириб қолган, аммо айни вақтда қилмишидан қаттиқ пушаймон бўлган кўплаб юртдошларимиз тақдирда муҳим бурилиш ясаганини алоҳида қайд этиш жоиз. Масалан, 2012 йилда эълон қилинган амнистия акти жами 64659 нафар шахсга нисбатан татбиқ қилинган. Шундан 22193 нафар шахс жазодан озод қилинган, 18285 нафар шахсга нисбатан юри-тилган жиноят иши ҳаракатдан тўхтатилган, 24181 нафар маҳкумнинг жазо муддати қисқартирилган. 2013 йилда эълон қилинган амнистия акти эса қарийб 70000 нафар шахсга нисбатан қўлланилди. Шундан 3237 нафар маҳкум бево-сита жазони ижро этиш жойларидан озодликка чиқарилди.

2014 йил 14 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма икки йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарорига асосан ўта оғир жиноят содир этмаган: аёллар, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар, 60 ёшдан ошган эркаклар, чет эл фуқаролари, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари, шунингдек, ушбу қарор қуч-қирғунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўсқинлик қиладиган оғир касалликка чалинган деб топилган шахслар; эҳтиётсизлик оқсасида жиноят содир этган шахслар, шунингдек, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлик учун биринчи марта ҳукм қилинган шахслар; озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати икки йил-ў олти ойдан кўп бўлмаган, ҳукми ушбу қарор эълон қилинган кунга қадар қонуний қучга кирган маҳкумлар (жавобгар-

ликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасдан одам ўлдирш жиноятини содир этганлар бундан мустасно); тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибда тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлик учун биринчи марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар жазодан озод қилиниши белгилаб қўйилди.

У.МИРЗАЕВ,
Тошкент давлат юридик университети доценти.
Н.САЛАЕВ,
катта ўқитувчи.

Фарғона Вилояти

БОЛА СОҒ – ОНА КЎНГЛИ ЧОҒ



Истиклол йилларида "Соғлом она – соғлом бола" мақсадли дастурининг амалиётга жорий этилиши ўзининг юксак самараларини берди. Хусусан, Президентимизнинг соғлиқни сақлаш, оналик ва болаликни ҳамда болаларни ижтимоий-тиббий муҳофаза қилишга қаратилган фармон ва қарорлари туфайли юртимизнинг барча вилоятларида она ва бола перинатал, скрининг марказлари фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимизда икки ёшгача

Фарзанд – оила қувончи, жамият таяничи. Унинг соғлом, имлли ва иродали бўлиб улғайиши нафақат ота-она, балки давлатимиз сиёсатининг эзгу мақсадларидан биридир. Шу боис, мамлакатимизда ёш авлодга юксак этибор ва бекиёс гамхўрликлар кўрсатилмоқда.

Булган барча болалар юқумли касалликларга қарши бепул эмланмоқда. Бу, ўз навбатида, полиомелит, қокшол ва дифтерия каби касалликларга бутунлай барҳам бериш имконини берди.

Буни Фарғона вилояти Қўқон шаҳридаги 4-оилавий поликлиника фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Поликлиникамизда кўплаб касалликларга ташхис қўйиш, уларни даволаш, қатор мураккаб амалиётларни бажариш имконияти мавжуд, – дейди бош шифокор Нодира Қурбонова. – Жумладан, физиотерапия бўлимида ўндан зиёд даволаш воситаси бор. Клиник лаборатория барча таҳлиллар учун зарур тиббий асбоблар билан таъминланган.

Наманган Вилояти

ТАРМОҚЛАР КЎПАЙИБ, ИМКОНИЯТ КЕНГАЙМОҚДА

Чуст туманидаги "Маъмурали Жаҳонгир Мансуралли" фермер хўжалиги асосан пахта ва галлачиликка йўналтирилган бўлиб, фермер хўжалик аъзолари жорий йилда 87 гектар майдонда деҳқончилик қилишди. Шундан 30 гектарига ғўзанинг "Наманган-34" нави экилиб, давлатга 87 тоннадан зиёд саноат хомашёси топширилди. Этиштирилган ҳосилнинг асосий қисми юқори навларга сотилди. Бу хўжалик аъзоларининг моддий манфаатдорлигини янада мустаҳкамлади.



Чуст тумани фермерлари кенгаши раиси Файзикарим Маҳмудов, "Маъмурали Жаҳонгир Мансуралли" фермер хўжалиги раҳбари Маъмурали Қурбонов, иш юритувчи Султонназар Хушназаров галла майсаларини кўздан кечирмоқда.

Ишлаб чиқариш соҳасида янги техника ва технологияларнинг жорий этилаётганлиги юқуларимизнинг асосий омилли бўлаётир, – дейди фермер Маъмурали Қурбонов. – Экин майдонларимизнинг тенг ярми дашт-тошлоқ ерлар. Баҳор ойининг серёғин келиши чигит экиш ишларига, айниқса, ғўза парвариши агротехникаси юмушларининг ўз вақтида бажарилишига бироз тўсқинлик қилади. Шу боисдан, жорий йилда ўн гектар майдонга кимёвий ишлов берилган чигит қадагандик. Бу усул ўзининг ижобий самарасини берди. Биринчидан, об-ҳавонинг но-

қулай келишига қарамасдан чигитларимиз беҳато ушиб чиқди. Бундан руҳланиб, ғўза ниҳолларига вақтида ишлов бердик. Яяналашнинг тезлаштирдик. Ўз вақтида яяна қилинган ғўза ниҳоллари касалликка чалинмай, соғлом ривожланди. Энг муҳими, сўсимлик илдижи бақувват бўлиб, ғўзанинг ривожини тезлашди. Ушбу агротехник тадбирлар мўл ҳосилга пухта замин яратди.

Дарвоқе, хўжалик далаларида пахтачиликдан ташқари бошоқли дон экинларидан ҳам мўл ҳосил этиштириб келинмоқда. Фермер хўжалиги экин майдонларининг 50 гектарига бўғдойнинг "Крошкка", "Краснодар", "Яксарт" навларини экиб, 250 тоннадан ортиқ галла жинишонини бунёд этишди. Шу ўринда савол туғилади. Нега фермер хўжалиги аъзолари уч хил навли бўғдой уруғини қадашди? – Бунинг боиси бор, албатта, – дейди фермер хўжалиги иш

Хоразм Вилояти

Қуз деҳқонлар учун ҳосилни йиғиштириб олиш қаторида, кейинги йил хирмони учун тамал тошини қўядиган фаслар. Буни чуқур англаган хоразмлик ғаллакорлар қузнинг ғанимат қунаридан оқилона фойдаланишмоқда.

ЁЗ ҲОСИЛИГА ҚУЗДАН ҲАРАКАТ

Воҳанин илгор туманларидан бири – Богот далаларини айланганимизда бунинг яққол гувоҳи бўлдик.

Келгуси йил ҳосили учун 3340 гектар майдонга бўғдойнинг "Краснодар-99", "Таня", "Дурдона" навларини эканмиз – дейди туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Исқандар Хусайнов. – "Краснодар-99" ва "Таня" навлари воҳа тупроғига, об-ҳаво шароитига мос. Агротехника қондалари асосида парваришланган далаларининг гектаридан 90 центнергача ҳосил олинмоқда. Иккинчи томони – касалликларга чидамли, пояси ҳар қандай шароитда ҳам йўқилмайди. Биз барча майдонларга галла уруғини гектарига 300 килограммдан "PS-Агро" минерал ўғити билан бирга қададик. Галла экан 154 та фермер хўжаликка қарашли далаларда майсалар баравж ривожланмоқда. Ғалланинг асосий қисми 3144 гектар майдондаги ғўза қатор оралиғига экилди.

Бу мавсумда уруғнинг барчаси махсус ясалган 7 та мосламали йўғити билан бирга қададик. Ғалла экан 154 та фермер хўжаликка қарашли далаларда майсалар баравж ривожланмоқда. Ғалланинг асосий қисми 3144 гектар майдондаги ғўза қатор оралиғига экилди.

Маъмур МУСУЛМОНОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

ОПЕРА ИЖРОЧИЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО ТАНЛОВИ

(Боши 1-саҳифада)
Ўзбекистон Давлат консерваториясининг 40 дан зиёд талаба ва битирувчиси, Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театрининг хонанда ҳамда стажёрлари ХХ асргача яратилган опера асарларини италян тилида ижро этиш бўйича ўз истеъдодини намойиш қилди.

– «Competitione dell'Opera» танлови кўплай ёш опера ижрочиларига мусика оламини забт этиш ва дунёдаги энг нуфузли опера сахналарида ижро этиш учун ажойиб имкониятдир, – дейди Ўзбекистон Давлат консерваториясининг учинчи курс талабаси, «Bella voce» халқаро талабалар танлови (Россия) совриндори Мадина Бозорова. – Шу боис, ушбу саралаш босқичида иштирок этаётганимиз катта аҳамиятга эга. Бу босқичда мен Пьетро Масканининг «Қишлоқ шаъни» операсидан ария ижро этдим.

Сардор ТОҶИЕВ,
ЎЗА мухбири.

БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР ҚУРИЛИШИ БЎЙИЧА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАШ ЮЗАСИДАН ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТҚАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

1. Карши шаҳридаги 300 ўқув ўрнили 8-сонли мактаб-интернатини капитал реконструкция қилиш (300 ўқув ўрнили ўқув блоқи, 150 ўрнили ётоқхона, 9x18 м. спортзал, ҳаммом, кир ювиш хонаси, 300 ўрнили ошона ва 1-этап ёрдамчи бинолар қурилиши).

Объектнинг бошланғич нархи: ҚҚС билан 1.231.936.088 сўм, ҚҚСиз 1.026.613.407 сўм. Қурилиш муддати – 8 ой.

18. Лот №6-1. «Косон туманидаги компьютер технологиялари йўналишидаги касб-хунар коллежини реконструкция қилиш (ўқув устaxonасини реконструкция қилиш, ўқув блоқини капитал таъмирлаш)».

48. Лот №19-4. «Дехқонобод тумани Шакарбулоқ қишлоғидаги 80-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш (80 ўқув ўрнили ўқув блоқи қурилиши)».

ВНИМАНИЮ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ!

ИКСЕЗ ҲОКИМИЯТА НОВОЙСКОЙ ОБЛАСТИ ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ ПО ОБЪЕКТУ

Лот №1. Лот №1-1. «Реконструкция школы №46 Нуратинского района Новойской области (пристройка учебного блока на 60 ученических мест)».

(По лоту №6-1 при прочих равных условиях предпочтение отдается субъектам малого бизнеса) (По лоту №6-2 торги проводятся исключительно среди субъектов малого бизнеса)

БАРЧА ТУРДАГИ ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА! ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ 2015 ЙИЛ МАНЗИЛЛИ ДАСТУРИГА КИРИТИЛГАН ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТҚАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Лот № 1-1. «Жиззах вилояти Зарбдор туманидаги 1-сонли махсус мактаб-интернати мукаммал таъмирлаш».

Бошланғич қиймати: ҚҚСиз 419,644 млн. сўм, ҚҚС билан 503,573 млн. сўм.

Бошланғич қиймати: ҚҚСиз 823,788 млн. сўм, ҚҚС билан 988,545 млн. сўм.

ган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдоси предметининг 20 % миқдоридида айланма маблағларига ёки қўрсатиб ўтилган маблағларини беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳужжатлари ва шартномага қўйилган таъжриба ва ишончли бўлишлари шарт.

МАКСУС ВА ОДДИ ТРАКТОРЛАР!

Барча тракторлар корхонанинг Тошкентдаги омборхонасида мавжуд
• Экскаватор-погрузчик ЗП-Ф-П (Б) бульдозер
• Запасные части к трактору "Беларусь"
• Бульдозер погрузчик БЛ-750
• Шины различных моделей
• Экскаватор-погрузчик ценовой ЗП-Ф-О
• Асвальтоторез
• Подъемник БЛ-09
• "Беларусь" (МТЗ)-80х, 80.1, 82.1, 1025.2, 1221.2

Махсулот сертификатланган. Т: (+99893) 501 6911, (+99871) 252 1629, 256 0955. E-mail: toglar_uz@mail.ru www.toglar.uz

МУАККАЛ ШАКЛДА ҚАШҚАДАРЁ НАВОЙСКОЙ ОБЛАСТИ ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ ПО ОБЪЕКТУ

Бухоро вилояти Ҳоқимлиги Ҳузурдаги «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАРНИ ЛОЙИХАЛАШТИРИШ УЧУН ЛОЙИХА ТАШКИЛОТЛАРИНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТҚАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

